

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИLMИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИLMИЙ КЕНГАШ  
НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

---

ҚАНААТОВ ЕСИМҚАН ЕЛСУЙЕР УЛИ

ҚОРАҚАЛНОҚ ХАЛҚ ТАРИХИЙ ҚУБИҚЛАРИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИИНИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УДК: 82/820

Филологини фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (PhD)  
по филологическим наукам  
Contents of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences

Қанаатов Есимқан Елсуйер ули Коракалпоқ халқ тарихий қўшиқлари .....	3
Қанаатов Есимқан Елсуйер ули Коракалпоқские народные исторические песни .....	25
Қанаатов Есимқан Елсуйер ули Karakalpak folk historical songs .....	47
Эълои қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works .....	51

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
Doc.02/30.12.2019.FIL46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ҚАНААТОВ ЕСИМҚАН ЕЛСУЙЕР УЛИ

КОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ТАРИХИЙ ҚЎШИҚЛАРИ

10.00.08 – Фольклоршунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси маълуми Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маъмурияти ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси №2019.1.PhD/1099 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ажамийъ номдаги Нукус давлат педагогика институтида бицирилган. Диссертация авторферати уч тилда: ўзбек, рус, англис (резюме) Илмий кенгашининг веб-сайтида ([www.uz.ac](http://www.uz.ac)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Алданбергенов Кенетбай филология фанлари доктори, профессор
Расмий ошонионтлар:	Жуманазаров Умуруок филология фанлари доктори, профессор  Сабитова Таджизан филология фанлари номзоли, доцент
Етакчи таъкилот:	Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий таъкилот институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ДSc.02/30.12.2019. F14.66.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «19» шавр соғат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233 36 50, факс: (99871) 233 71 44; e-mail: [uztabi@academy.uz](mailto:uztabi@academy.uz).)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида таништириш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зайитлар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262 74 58.

Диссертация авторферати 2021 йилнинг «2» шавр санагида тарқатилди. (2021 йил «2» шавр даги «Б»-рақамли реестр баённомаси)

К. Туҳунев  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д.

Л. Худайкулова  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш Илмий котиби, филол. ф. н.

Ш. Турдиев  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қўшма илмий семинар раиси,  
филол. ф. д.



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмуни)

Диссертация маълумининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди жанрларининг илмий таснифи ва таснифини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар халқ оғзаки ижодидаги халқ қўшиқларининг, жумладан, халқ тарихий қўшиқларининг ўзига хос жанр хусусиятлари ва поэтикасини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, дунё халқларининг миллий хусусиятларини кўрсатишда узоқ даврларни қамраб олувчи ижод намунаси ҳисобланган халқ қўшиқларида ушбу халқларнинг маънавий-маърифий, маданият-адабий алоқалари яққол намоён бўлади.

Бугунги глобализм даврида жаҳон фольклоршунослигида халқ қўшиқлари, хусусан, тарихий қўшиқларининг ўзига хос жанр хусусиятларини аниқлаш, поэтикасини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий марказлар, халқаро фольклоршунослар жамиятлари қўшиқларининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатишда муҳим ўрн эгаллайдди. Илм-фан ишланмишлари орқали халқ оғзаки ижоди намуналари; жумладан, тарихий қўшиқлар ўрганилган бўлиб, бундай илмий-тадқиқотлар фольклор намуналарини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, терең ўрганиш имконини яратди. Zero, халқ тарихий қўшиқлари мазмунида халқ бошидан ўтказган тарихий воқеаларининг бадиий акс эттирилиши, эл-юртнинг қайғу-дардици, муңини, изтиробини очиб беришдаги ўрни муҳим аҳамиятта эга.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида халқ қўшиқларининг ўзига хосликлари борасида муайян тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, собиқ Иттифок ҳукумати маъмурият маънавий кадрларини терең англашга тўсиқ бўлди, кичик ҳажмдаги қўшиқлар билан бир қаторда, кенг қўлвими этник дostonлар ҳам маъмурият нукта назардан бир томонлама тарғибот қилинди, аждодларимизнинг бизгача етиб келган бебаҳо оғзаки асарларининг матияларига ўзгартиришлар киритилди, тузумга манзур бўлмаган жойлари эса олиб ташланди. Қолбунки, қорақалпоқ фольклоридаги тарихий қўшиқлар ўз манбаини қадимги туркий халқларининг этник жиҳатдан бирлашуви, Чингизхон босқинчилигидан кейинги: Нўғайли юрти, Туркистон кенгликлари, Оролбўйи улқасига қайта айланиб келиш пайтларидаги улус бошига тушган алғов-далғов даврларни қамраб олади. Мустанкилик шарофати бонс, миллий кадрларимиз қайта тикланди, хусусан, уларни кенг тарғибот қилиниши қўлаб-қувватланди. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз, ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонман-ки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади»,<sup>1</sup> деб Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлагандек, ҳақиқатдан ҳам,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъатимиз, илмий-таълимий ривожлантириш – қадимий миллий олимнинг таълимий-тарғиботчи мустанкилиги / Халқ сўзи, 2017, 4 август. – №153 (6847).

бузоқ тарихга эга халқимизнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси асрлар давомида муқаммал маънавий манбамиз бўлиб хизмат қилиб келган. Узоқ вақт давомида мафқуравий босимга қарамай, халқимиз ўзининг тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда авлоддан-авлодга пухта ўтиб келаётган ўзига хос анъаналарини асраб қолишга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва моликлантиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларини сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшчилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон «II Халқаро бахшчилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшчилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 304-сон «Бахшчилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 21 апрелдаги VMQ-228-сон «Халқаро бахшчилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киратиш ҳақида»ги қарорларида ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион голлар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида турли халқлар тарихий қўшиқлари бўйича пайдо бўлган илмий-назарий ва қиёсий-типология тадқиқотлар яратилди. Тарихий қўшиқларнинг жанрий хусусиятлари ойдинлаштирилди. Бу тадқиқотлар эса кўпчилик туркий халқлар сингари қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг ҳам генезиси, жанрий хусусиятлари, эволюцияси, типологияси ва бадииятини тадқиқ қилиш учун илмий-назарий асос яратиб берди. Жумладан, рус халқ тарихий қўшиқлари бўйича Б.Н. Путилов, В.Я. Пропп, Н.П. Колпакова, В.П. Аникин, С.Г. Лазутин, О.Б. Алексеева, Л.И. Емельянов, А. Астахова, В.И. Чичерова, В.И. Игнатов, қozoқ халқ тарихий ўлени (қўшиқ)лари бўйича Б. Уахатов, А. Маргулан,

Е. Турсинов, Ж. Ахметжанова,<sup>2</sup> нўғай халқ тарихий Яйрлари бўйича А.-Х.Ш. Джанибеков, А.С. Калмыковалар,<sup>3</sup> алтай халқ қожонлари бўйича Т. Тюхтенов,<sup>4</sup> татар халқ жырларини эса таъқиқ фольклоршунос И. Надиров<sup>5</sup> тадқиқ қилди. Ўзбек халқ қўшиқлари бўйича М. Алавиа тўплаш, нашрга тайёрлаш ҳамда тадқиқот ишларини олиб борган бўлса, А. Музакулов, У. Жуманазаровлар ўзбек халқ тарихий қўшиқларининг ўзига хосликлари, тарихий воқеликка алоқадорлиги бўйича тадқиқот олиб борганлар<sup>6</sup>.

Қорақалпоқ олимларидан Н. Давқараев, Қ. Айнибетов, Қ. Максетов, А. Тажмуратов, А. Қўжиқбаев, М. Низаматдинов, Н. Камалов, С. Қазақбаев, С. Бауетдинова ва бошқаларнинг тадқиқотларида қорақалпоқ халқ қўшиқлари бўйича муайян фикрлар билдирилган.<sup>7</sup> Хусусан, А. Тажмуратов ва А. Қўжиқбаев қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларини ёзиб олиш, тўплаш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш борасида анча илмий илганишлар олиб бориб, ушбу туркумга кирмаган намуналарнинг жанрий таркиби бўйича баъзи фикрлар билдирганлар. Аммо, қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг пайдо бўлиш, шаклланиш йўллари, ўзига хос жанрий хусусиятлари ҳамда бадиияти бўйича махсус монографик тадқиқот амалга оширилмаганлиги мавзунинг долзарблиги ва янгилигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олиб таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Нукус давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари, жумладан, 2015-2019 йиллар учун давлат илмий-техник дастурларининг устувор йўналишларига бағишланган (28.01.2015 й. 8-сон баён) «Қорақалпоқ фольклори, адабиёт тарихи ва фольклори» мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

<sup>2</sup> Уахатов Б. Қозоқ халқ өлеңдери. – Алматы: Ғылым, 1974. – 286 б; Маргулан А.Х. О поэтическом древнем поэтическом культуре казахского народа / М.О. Ауэзову Сборник статей к его юбилею. – Алма-Ата, 1979; Турсинов Е. Возникновение балла, эпоса, сатиры и юмора. – Алматы: Фолкс, 1999. – 265 с; Ахметжанова Ж. Казах фольклорининг тарихи өлеңдер. Филол. ғылым. канд. дисс. автореф. – Алма-Ата, 2007. – 58 б.

<sup>3</sup> Джанибеков А.-Х. III. Сот казасы. – Мәләкәсе: Новый дом, 2001. – 207 с; Нўғай халқ Яйрлари / Тулушбаев С.А. Калмыков. – Москва: Наука, 1969. – 216 с.

<sup>4</sup> Тюхтенов Т.С. Алтайские народные песни: Автореф. дисс. канд. физ.-мат. наук. – Алма-Ата, 1970. – 29 с.

<sup>5</sup> Татар халқ жырлары. Лерик жырлары, җола жырлары (Тел.: И. Надиров). – Казан: Татар китеп нәшрияты, 1965. – 435 с.

<sup>6</sup> Алавиа М. Ўзбек халқ мероси қўшиқлари. – Т.: Фан, 1974. – 220 б; Музакулов А. Ўзбек халқ тарихининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фан д-ри. – дисс. автореф. – Т., 1995. – 48 б; Жуманазаров У. Ўзбекистон тарихий-этнографияси: Автореф. дисс. канд. физ.-мат. наук. – Т., 1982. – 17 с.

<sup>7</sup> Давқараев Н. Шайхларнинг тоғлиқ жайиғи. Т. 2. – Нокс: Қарақалпоқстан, 1977. – 356 б; Аюбаев Қ. Қарақалпоқ фольклори. – Нокс: Қарақалпоқстан, 1977. – 224 б; Халық дашығы. – Нокс: Қарақалпоқстан, 1988. – 492 б; Максетов Қ. Қарақалпоқ фольклористикасы. – Нокс: Қарақалпоқстан, 1989. – 336 б; Қарақалпоқ халқ қосықлары (Бастырылған Ө. Тажмуратов). – Нокс: Қарақалпоқстан, 1965. – 398 б; Қожабаев Ө. Тарихий қосықлар. – Нокс: Қарақалпоқстан, 1980. – 56 б; Низаматдинов М. Характер развития каракалпакской народной поэзии османского периода: Автореф. дисс. канд. физ.-мат. наук. – Т., 1971. – 29 с; Камалов Н. Улуу Ұлттық тарихи урпақ жырларында халық поэтикасы дәстүрлерімізге қам қалдырылған // ӘІНА Қарақалпоқстан филологиясы Хабарлары, 1964. – №2. – Б. 85-90; Қазақбаев С. Қарақалпоқ халқының тарихи поэзиясы: Автореф. дисс. канд. физ.-мат. наук. – Нукус, 2003. – 19 с; Бағдатдинова С. Қарақалпоқ халқы қосықлары. – Нокс: Қарақалпоқстан, 2019. – 127 б.

Таджикотининг мақсади қорақалпоқ фольклоридagi халқ тарихий қўшиқларининг маълум бир даврдаги (бошланғичдан XX аср бошларигача) пайдо бўлиш ва шаклланиш йўлларини, жараёнларини аниқлаш, жанрий хусусиятларини, типологияси ва поэтикасини ўрганиш ҳамда шу асосда халқ тарихий қўшиқларининг халқ поэзияси тизимидаги ўринини белгилаб беришдан иборат.

Таджикотининг вазифалари:

қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг тўпланиши, нашр қилиниши ҳамда ўрганилиши тарихига оид маълумотларни умумлаштириб тасниф қилиш;

халқ тарихий қўшиқларининг ўзига хос жанрий ва шаклий хусусиятларини аниқлаш ва назарий асосларини белгилаш;

халқ тарихий қўшиқлари ва жырларининг фарқли ҳамда ўхшаш томонларини кўрсатиш;

халқ тарихий қўшиқларининг пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичларини аниқлаш ҳамда халқ тарихий қўшиқлари тарихий воқеаларининг бадний акси эканлигини исботлаш;

қадимги даврлардаги туркий халқларга хос тарихий фольклор намуналарининг қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларига боғлиқлигини кўрсатиш, халқ тарихий қўшиқларида рамзий образларининг қўлланиши даражасини аниқлаш.

Таджикотининг объектини қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқлари ташкил қилади. Жумладан, қадимий даврлардаги туркий халқларга умум бўлган «Али Эр Тўнги» достони, «Авесто», Ўрхун-Энасой битиклари, «Қуркиг ота китоби», «Ўғузнома», Махмуд Қошғарийнинг «Девони луготит турк» асарларидаги тарихий қўшиқлар – йўқлашлардан тортиб то қорақалпоқ этносининг халқ бўлиб шаклланиш ва ривожланиш даврларидаги «Байсынга», «Қарақалпоқ», «Едил қайда, ел қайда», «Ха, ногайым, ногайым», «Орманбет бий олген кун», «Сўйинбийке сулу», «Сарыша айым толғау», «Сарайшық», «Атажурт – Тўркистан», «Қаратаўдың басынан көш келеди», «Қаратаўдың тегинде қалдым йекке», «Жийделим, сеннен айырылдым», «Талмағай, талмағай, белим талмағай», «Кегейлиннің қазығу», «Бир алмаат заман болды», «Тазқара», «Қоңырат әсанасы», «Әўезжан», «Ярақлар», «Керегениң басында қынап турған» каби қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқлари, олим А.Тажимуратов томонидан нашрга тайёрланган «Қарақалпоқ халық қосықлары» китобидаги<sup>8</sup> ҳамда Қорақалпоқ фольклори кўпжылдығининг V жилдига (1980) кирган бошқа тарихий қўшиқлар<sup>9</sup>, шунингдек, фольклоршунос С.Амирлан томонидан ёзиб олиниб, ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг Илмий кутубхонаси қўлетмалар фондида сақланаётган халқ қўшиқлари, бошқа-да фольклорий намуналар<sup>10</sup> ва Нукус давлат педагогика институтини

<sup>8</sup> Қарақалпоқ халық қосықлары (Басмаш таърифи О.Тажимуратов) – Нукус: Қарақалпоғистон, 1965. – 399 б.

<sup>9</sup> Қарақалпоқ фольклори V т. – Нукус: Қарақалпоғистон, 1980. – 464 б.

<sup>10</sup> Халық арсапшылы айтылган кытырларын жон кытыр. – Р-581, Иш. – №180079; Этнографиялык жазбалар. – Р-589, Иш. – №181280. – 48 б; Алабай багыр (28-29 б.); Фольклор-этногр. жазбалар. – Р-590, Иш. –

Туркий тиллар факультети талабалари томонидан 2018-2021 йиллардаги фольклор амалиётида тўпланган халқ оғзаки ижодиёти материаллари ташкил қилади.

Таджикотининг предмети қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг го-визий-эстетик манбалари, генезиси, жанрий хусусиятлари ва эволюцияси, ти-пологияси ҳамда поэтикаси ҳисобланади.

Таджикотининг усуллари. Қиёсий-тарихий, қиёсий-типология, этно-фольклористик таҳлил, бадний-эстетик таҳлил ва бадний-эстетик усуллари ташкил этади.

Таджикотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг генетик асослари қадимги туркий кавмларининг пайдо бўлиш даврларидаги халқ қўшиқларига бориб тақалиши исботланган;

қадимдан «Элибайлар» ёхуд «Элибай қорақалпоқлари» номи билан маълум Тоғалибой ўлкаси (ҳозирги Навоий ва Бухоро вилоятларида қорақал-поқлар яшаётган ҳудудлар) аҳолиси орасидан ёзиб олинган тарихий жырлар Оролбўйи минтақасида тарқалган қорақалпоқ тарихий қўшиқларининг тар-кибий қисми эканлиги асосланган;

қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқлари ўзининг шаклланиш-жараёни, яра-тилиш ҳудуд ва бадний эволюциясига қўра Олтин Ўрда – Нугайли даври қўшиқлари, Тўркистон даври қўшиқлари, Жанадарё даври қўшиқлари ва Оролбўйига қайтиб айланиб келиш даври қўшиқларига бўлиниши далиллан-ган;

қорақалпоқ тарихий қўшиқлари халқ ҳаётида содир бўлган реал воқеалар асосида юзага келган фольклор асарлари бўлиб, унда ҳаётий воқелик ихчам сюжет асосида баён этилиши, конфликтнинг тарихан конкретлиги ва тарихий мансуб тўла намоён бўлиши аниқланган.

Таджикотининг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ фольклоршунослигидаги халқ қўшиқлари таснифида умумий сифатланган тарихий қўшиқлар ва уларнинг жанрий хусусиятлари, назарий асослари белгиланган;

тарихий қўшиқларининг бадний хусусияти ва тарихий жырлардан жанрий фарқли жиҳатлари асосланган;

тарихий қўшиқларда рамзий образларининг қўлланиш ҳолатлари кўрсати-лган;

№181281. – 48 б; Айвак-қалың зымы (5), Қары Бухар (6); Халық арасында андраслары. Р-970, Иш. – №182634; Айвак-қалың зымы, Сытыра жырау (7 б.); Балалар фольклоры интераклары. – Р-587/1, Иш. – №189253. – 32 б; «Әнәр Едеге сарайы» интераклары – 2002 // Р-1306, Иш. – №183972; Фергана алабы қарақалпоқлары бойынша дереклер (1953) // Р-1309, Иш. – №184003; Тарыхылар // Р-1310, Иш. – №184004 – 6 б; Қарақалпоқ (тарыхый асык) // Р-1311, Иш. – №184006; Сўйитилер // Р-1313, Иш. – №184088; Тарыхый тафаккур ва халқ оғзаки ижоди // Р-1375, Иш. – №185145; Уламы Туран оурағайы // Р-1379, Иш. – №185149; Мангел сарылы // Р-1380, Иш. – №185150; Қызыллар // Р-1381, Иш. – №185151; Тўркістан жазбалары – Р-1382, Иш. – №185152; Достурый халық поэзиясы – Р-1398, Иш. – №185919 – 14 б.

Элибайлар ёхуд Элибай (*Тоълибой*) қорақалпоқлари орасидан ёзиб олинган тарихий қўшиқларнинг Оролбўйи қорақалпоқлари тарихий қўшиқлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий нуқтан назардан очиб берилган;

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими асосий кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланаётган қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг назарий асослари юзасидан илмий қарашлар тақомиллаштирилган, тарихий қўшиқларининг жанрий таркиби белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертациянинг ишончлилиги тадқиқотлар жараёнида назарий маълумотларнинг аниқ илмий манбаларга асослангани, ундаги илмий натижа ҳамда хулосаларнинг тавсиф, қиёсий-типология, қиёсий-тарихий, этнофольклористик таҳлил ва бадний-эстетик таҳлил усуллари орқали асосланганда намоён бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг ўзига хослиги бўйича олинган илмий хулосалардан бошқа халқ қўшиқларини тадқиқ қилишда, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари ҳамда илмий-тадқиқот институтларида қорақалпоқ фольклори, хусусан, қўшиқларининг ўзига хос хусусиятини ўрганиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта махсус ҳамда умумтаълим муассасаларида қорақалпоқ адабиёти ва фольклори фанлари бўйича дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини тақомиллаштиришда илмий манба сифатида хизмат қилиши мумкинлигида акс этади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг генезиси ва шаклий-мазмуний жанр хусусиятларини белгилаш асосида олинган натижалар қуйидаги кўринишларда амалиётда жорий қилинган:

тадқиқотнинг Элибай (*Тоълибой*) қорақалпоқларидан ёзиб олинган тарихий қўшиқларнинг Оролбўйи қорақалпоқлари тарихий қўшиқлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларига оид илмий-назарий натижаларидан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф1.ГО02 «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини ўрганиш» (2012-2016) фундаментал лойиҳасининг фольклор жанрларига оид бўлимларини ёзишда муҳим назарий ва амалий манба сифатида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 январдаги 297/1-сон қарорнома). Натижада Оролбўйи қорақалпоқлари тарихий қўшиқлари билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларига аниқликлар киритилган;

қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг жанрий хусусиятларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан И1-ХТ-0-17222 «Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи-ёшлар оғитиш сингдиринида халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш» (2013-2014) амалий лойиҳасини бажаришда

фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 13 январдаги 4-04/83-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларга маънавий-ахлоқий фазилатларни ва миллий менталитетини сингдиринида халқ педагогикаси ва замонавий таълим-тарбиявий фикрларини уйғунлаштириш имконияти яратилган ва интерфаол технологиялардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилган;

қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг ёш авлодди маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, миллий ўзини англашдаги аҳамиятига тегишли илмий-назарий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг «Ассалому алайкум, Қорақалпоғистон», «Фан ва таълим» ахборот-таълим дастуридаги курсатув ва сингдиринишлар сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 13 январдаги 01-02/19-сон қарорнома). Натижада миллий кадрларнинг маънавий-маданий ривожланишда туган ўрни ва таълим-тарбиядаги аҳамиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 6 та, жумладан, 3 та республика ҳамда 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация маълумоти бўйича 15 та илмий иш, хусусан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та, жумладан, хорижий журналларда 3 та, республика журналларда 6 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 141 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация маълумотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, амалиётда жорий этилиши, нашр қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг жанрий хусусиятлари» номи биринчи боби исми бўлидан иборат. Биринчи бобнинг «Тарихий қўшиқлар – халқ қўшиқларининг алоҳида бир тури сифатида» номи биринчи фаслида тарихий қўшиқларининг жанрий хусусияти очиб берилган.

Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқлари халқ поэзияси ичида мазмунли жиҳатидан тарихий маълумотлар берадиган, жанрий табиати жиҳатидан поэтик хусусиятга эга қўшиқлар саналади.

Қорақалпоқ фольклоридagi «жоклау» (*йиғи-йўқлов*), «хошласиу» (*хайрлашиу*), «толғау» (*толғов*), болалар қўшиқлари, баъзи лирик қўшиқлар, хаттоки, қахрамонлик дostonларининг ҳам тарихий қўшиқлар билан ўзаро боғлиқ жиҳатлари бор. Масалан, қахрамонлик дostonлари, аслида, бир вақтлар тарихий қўшиқ сифатида майдонга келган бўлса, даврлар мобайнида халқ томонидан қайта ишланиб, шаклан ва мазмунан ўзгариб борган. Ўзбек халқ тарихий қўшиқлари талқинотчиси, проф. У. Жуманазаров таъкидлашича, «тарихий дostonлар дастлаб тарихий қўшиқ сифатида дунёга келган. Кейинчалик бу каби тарихий қўшиқлар эъик планда қайта ишланиб, маълум даражада тарихий конкретлигини йўқотиб, шундай бўлса ҳам акс эттирилган воқеаларнинг реал мазмунини йўқотмаган ҳолда тарихий дostonларга айланган».<sup>11</sup>

Тарихий қўшиқнинг тарихий жир ва тўлғовлардан фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, у алоҳида жанрдир. «Тарихий қўшиқ» дейилганда «тарихий» сўзи, ўз-ўзидан тушунарли, лексин, «қўшиқ» нима?..

Проф. Ш. Турдимов қайд этишича, «қўшиқ сўзи ва куйдан ташкил топади. Қўшиқ куйланади, унинг куйланиш жараёни алоҳида ҳодиса. Куйга солиб айтилган сўз аввало кўнгилга, сўнг ақлга боради».<sup>12</sup>

Н. Давқараев фикрича, «ёзма поэзия пайдо бўлганга қадар куйга солиб айтилган, поэзиянинг майда лирик асарларини қорақалпоқ тилида «қосъю» деб аташган. Халқ тушунишида эса «қосъю» сўзи асарни ҳам, шу асарнинг куйини ҳам англатади».<sup>13</sup>

«Тарихий қўшиқлар аксаринг ҳолда бахшлар томонидан дутор билан ижро қилинса, тарихий жир ва тарихий тўлғовлар жирвалар томонидан қўбиз билан ижро этилади», деб таъкидлайдн А. Қўжиқбаев.<sup>14</sup>

Қозоқ халқ қўшиқларини талқин қилган олим Б. Уахатовга кўра: «Тарихий қўшиқларнинг ҳажми кичик, эскиз каби ҳамда узун воқеанинг ичидан фақат шу қўшиқнинг гоҳисини очадиган пайтларинингга танлаб кўрсатади. Бадний тил ва таъсирли туйғу билан лирик планда берилади».<sup>15</sup>

Тарихий қўшиқ халқ турмушида бўлиб ўтган воқеалар асосида ташкил топади. Лексин, унда воқеанинг бошланиш, давом этиш, якун сабаблари атрофлича баён қилинади. Шу тарихий воқеанинг жойи фақат атамалар орқалигина ихчам бир сюжетга қурилади. Унда тарихий конфликт орқали халқ қахрамонининг кураши лирик маҳорат билан тасвирланади. Тарихий

<sup>11</sup> Жуманазаров У. Тарихий қўшиқ ва тарихий дoston муносибати ва дигр // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т. 1998. – №3. – Б. 29–35.

<sup>12</sup> Турдимов Ш. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Т.: Фан, 2020. – Б. 4.

<sup>13</sup> Давқараев Н. Шайхоналарнинг тилик айтиши. Том II. – Нокис: Қарақалпоқистон, 1977. – Б. 128.

<sup>14</sup> Қўжиқбаев Ф. Тарихий қосъюлар. – Нокис: Қарақалпоқистон, 1980. – Б. 5.

<sup>15</sup> Уахатов Б. Қозоқ халқ орақлари. – Алматы: Гышм, 1974. – Б. 248.

қўшиқлар асосан воқеа бўлаётган вақтда майдонга келиб, унда қўшиқ мазмуни воқеанинг сабаб-оқибатларини тушутиришга йўналтирилган бўлади.

Тарихий қўшиқлар тарихга қўшимча маълумот бериш билан бирга, кўп ҳолларда тарих бера олмайдиган имкониятларини ҳам тақдим этади. Унда тарихда ҳамон моҳияти мавжум бўлиб турган воқеалар, қахрамонликлар намоён бўлади. Демак, тарихий қўшиқларни тарихни бойлғувчи, халқнинг асл тарихини кўрсатувчи, шу даврнинг нафасини берувчи шакл деб ҳисоблаш мумкин.

Тарихий қўшиқ лирик қўшиқлар турига мансуб бўлса, тарихий жир эса ўзига хос айтилиш хусусиятларига, мазмуни ва шакли жиҳатидан эъик асарга тегишли. Унда эпоста хос белгиларининг кўичилигини топиш мумкин.

Ўз даврида халқ қўшиқларини тўплаб, китоб тарзида нашр қилган А. Тажмуратов тарихий қўшиқлар ва тарихий жирларни алоҳида жанрлар сифатида қараш мақсадга мувофиқ бўлишини илгари сурган эди.<sup>16</sup>

Тарихий қўшиқдаги жамоавий психология эъик жирга таъсир қилиб, давр қахрамони образини яритишга хизмат қилади. Шу тарих тарихий қўшиқлар эъик жирлар ривожига асос бўлади. Жир ижрочилари ўтган давр нафасини даставаал тарихий қўшиқларда топган ва шу давр воқеанинг янада атрофлича тасвирлаш учун тарихий жирга тарихий қўшиқ гоҳисини киритиб борган.

Умуман олганда, тарихий қўшиқлар алоҳида яшай оладиган халқ оғзаки ижодиининг бир жанридир. Унда халқ бошидан ўтказган маълум тарихий воқеалар, тарихий шахслар, ботирлар, тарихий жойлар, қалғалар ҳақда сўз этилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг тўланиши, нашр қилиниши ва урганилиши масалалари» деб номланади. Қорақалпоқ фольклори намуналарини йиғиш илк бор XVIII асрнинг 40-йилларидан, яъни Чор Россиясининг Ўрта Осиёга эътибор қилиши билан бошланган бўлиб, туркий халқлар орасида ҳар хил мақсадда иш олиб борган делегациялар қорақалпоқлар ҳаёти, маданияти, тарихи ва оғзаки ижоди билан ҳам қизиққанлар. Бироқ қорақалпоқ фольклорини йиғиш ишлари ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб тизимли равишда амалга оширила бошлади.

1926–1945 йилларда Қорақалпоқистонда ўтказилган лингвистик ва фольклор экспедицияларида иштирок этган Н.А. Баскаковнинг икки жилдлик «Қорақалпоқ тили» китобининг биринчи жилдига «Бузатов», «Явмут» каби тарихий қўшиқлар ҳам киритилган.<sup>17</sup> Ушбу фундаментал асардан Бердяк, Аялберген, Муса, Қалмурат ва бошқа шоирларининг халқ қўшиғига айланиб кетган айрим тарихий қўшиқ матнлари ҳам жой олган.<sup>18</sup>

<sup>16</sup> Қарақалпоқ халқ орақлари / Басмага таърифи Ф. Тажмуратов. – Нокис: Қарақалпоқистон, 1965. – Б. 22–23.

<sup>17</sup> Баскаков Н.А. Қарақалпоқ тили. 1-т. – Москва: Издательство академии наук СССР, 1951. – С. 124–125.

<sup>18</sup> Шунда.

1930-йиллардан бошлаб қорақалпоқ фольклорини ўрганишда маҳаллий олимлар ҳам фаол иштирок эта бошлади. Миллий фольклор меросини, жумладан, тарихий қўшиқларни халқ орасидан йиғишда Ш. Хожаниязов ва С. Мауленовларнинг хизмати катта бўлди. Улар ўтган асрнинг 30-йилларида, йиғирма ёшдаги йиғит чоғида кишлокма-кишлоқ юриб, халқ оғзидан мумтоз адабиётимиз вакиллариининг асарлари ҳамда фольклор дурдоналарини тўплади. Улар йиққан материалларининг ҳажми юз минг сатрдан зиёд.<sup>19</sup>

Қорақалпоқ фольклорининг тўпланиши, чоп қилиниши ва тадқиқ этилишида, айниқса, Қалли Айимбетов ҳамда Нажим Даҳқараев сингари буюк олимларнинг хиссаси бекибдир. «Қорақалпоғистондаги жонли архив» деб улуғланадиган Қ. Айимбетовнинг меҳнатлари қорақалпоқ фольклори тарихида муҳим аҳамият касб этди. «Халқ донолиги» китобида у фольклор жанрларининг барчасига, жумладан тарихий қўшиқларга ҳам тўхталган. Жумладан, унинг «Тарихий қўшиқлар» мақоласи 1964 йилда «Эмбүдэрья» журналининг 6-сонида чоп этилган.<sup>20</sup>

1930 йиллар охири, 40 йиллар бошларида қорақалпоқ фольклорини тадқиқ қилиш бўйича авж олган ишлар уруш бошланиши билан узилди қолди. Уруш тугагандан кейин, 1950 йиллардан бу иш қайта бошланиб, унинг бошида бу даврдаги энг йирик олимлардан бири Н. Даҳқараев бўлди. У 1951 йилда «Қорақалпоқ адабиёти тарихининг очерклари» номли докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертациянинг фольклорга бағишланган бўлими олимнинг 1977 йил нашр қилинган сайланма асарларининг 2-жилдига киритилган бўлиб, ушбу китобда фольклор жанрларини лирик ва эпик турларга ажратилган ҳамда лирик жанрларга қўшиқлар, маросим фольклори ҳамда оталар сўзи, қўшиқларга жайдари қўшиқ, айтишув ва жавоб, болалар қўшиғи, бадик, байит, жумбоқлар киритилган. У тарихий қўшиқларни жайдари қўшиқларга,<sup>21</sup> тарихий тўлғовларни эса «Оталар сўзи»га киритди.<sup>22</sup>

Қорақалпоқ фольклорини тўплаш, ўрганиш ҳамда жанрий нукта назардан таснифлашда манхур фольклоршунос олим К. Мақсатовнинг ўрни ҳам алоҳидадир. У қорақалпоқ халқ қўшиқларини жанрий жиҳатдан таснифлаганда тарихий қўшиқларни тўлғовлардан ажратиб қаради.<sup>23</sup>

1965 йилда А. Тажимуратов қорақалпоқ халқ қўшиқларини тўплаб, нашрдан чикарди.<sup>24</sup> У тарихий қўшиқларни алоҳида жанр сифатида кўрсатиб, тўпламга 26 та тарихий қўшиқни киритди. Ушбу материаллар қорақалпоқ фольклори кўпжиддиги (20 жилдлик)нинг V жилдидан ҳам ўрин олган.<sup>25</sup>

А. Қўжиқбаев – қорақалпоқ тарихий қўшиқларини илмий таҳлил қилган олимлардан бири бўлиб, унинг «Тарихий қўшиқлар» (*Тарихий қўшиқ ва*

<sup>19</sup> Алайитов А. Фольклор жойидаги таъжублар // Ёш халқимизда. – Невис, 2019. – 36-б.

<sup>20</sup> Айимбетов Қ. Тарихий қўшиқлар // Эмбүдэрья. – Невис, 1964. – № 6. – Б. 24-26.

<sup>21</sup> Даҳқараев Н. Тақсимли шогармалари. 2-ч. – Невис: Қорақалпоғистон, 1977. – Б. 129.

<sup>22</sup> Шунда. – Б. 166.

<sup>23</sup> Мақсатов К., Тажимуратов Ф. Қорақалпоқ фольклори. – Невис: Қорақалпоғистон, 1979. – Б. 162.

<sup>24</sup> Тажимуратов Ф. Қорақалпоқ халқ қўшиқлари. – Невис: Қорақалпоғистон, 1965. – 399-б.

<sup>25</sup> Қорақалпоқ фольклори. V том. – Невис: Қорақалпоғистон, 1980. – 464-б.

афсоналарнинг бошқа жанрларга оидлиги тўғрисида) рисоласи тарихий қўшиқларга бағишланган.<sup>26</sup>

Тарихий қўшиқларнинг тарихий фактлар билан монандлиги бўйича тарихий аспектда тадқиқот олиб борган олимларнинг ана бири профессор М. Тилеумуратовдир. Унинг «Қорақалпоқ поэзияси – тарихий манба» китоби қорақалпоқ поэзиясининг, жумладан тарихий қўшиқларининг ҳам тарихий манба эканлигини исботлашга қаратилган.<sup>27</sup>

Умуман олганда, қорақалпоқ фольклорини тўплаш, чоп этиш ҳамда ўрганиш том маънода ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланиб, 80-йиллар охиригача катта ҳажмдаги база йиғилди. Уларни нашр қилиш ва тадқиқ этиш ишлари ҳамон изчил давом этмоқда. Диссертацияда XIII аср ва XX аср бошлари оралиғидаги даврларга тегишли қўшиқлар манба қилиб олинди. Шунингдек, илмий тадқиқот мобайнида Элибай қорақалпоқларидан ёзиб олинган янги материаллар ҳам киритилди.

«Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг генезиси ва таснифи» номли II бобнинг 1-фаслида қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг пайдо бўлиш ва шаклланиш манбалари хусусида фикр юритилди.

Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқлари ўзининг туб манбаини қадимги даврлардаги туркий халқларга умумий тегишли бўлган фольклор намуналаридан олади. Туркий халқларга, жумладан, Ўрта Осиёда истиқомат қиладиган халқларга таалуқли қадимги меросларни ўрганиш халқимиз тарихини, турмуш тарзини, маданиятини ўрганишга ёрдам беради. Ушбу адабий ёдгорликлар қадимги турк, араб, форс тилларида ёзилган бўлса-да, биз уларни миллий адабиётимиз тарихининг асоси деб ҳисоблаймиз. Зеро, ҳар қандай халқнинг қадимий даврдаги адабий мероси шу заминда яшаб ўтган халқнинг адабиётига тегишли саналади. У бошқа тилда яратилган бўлса ҳам барибир шу халқнинг мулки бўлиб қола беради.

Қорақалпоғистон ҳудудида сак-массагет, сармат, алан, оғуз, қипчоқ каби туркий ва форсий тилларда гаплашадиган эллар яшаган. Баъзи тиллар (*авесто тили, қадим хоразм ва доқоно*) эса ўлик тиллар сирасига кирган. Шундай бўлса ҳам, ушбу қадимий халқлар тилларида яратилган асарлар бизнинг миллий қадриятларимиз асоси саналади. Чунки «Туркий халқларининг қадимий ижодкорлиги тарихнинг жуда қадимги қатламларига туташади. Миллоддан аввалги даврлардаюқ юнон тарихчилари бизнинг аجدодларимиз орасида бор бўлган оғзаки ижод намуналари: эртак, ривоят ҳамда афсоналар ҳақида баъзи маълумотларни ёзиб қолдирган. Шунингдек, миллоддан аввалги Хитой тарихчилари ҳам туркийларнинг ўзига хос қўшиқ ва дostonлари бўлганлигини манбаларда қайд қилган».<sup>28</sup>

<sup>26</sup> Қўжиқбаев Ф. Тарихий қўшиқлар. – Невис: Қорақалпоғистон, 1980. – 36-б.

<sup>27</sup> Тилеумуратов М. Қорақалпоқ поэзияси – тарихий дарё. – Невис: Қорақалпоғистон, 1994. – 342-б.

<sup>28</sup> Тухтаев Б., Каримов Б., Усмонова К. Ўрта тилли муассасаларининг 10-синфи ва ўрта мектеб, касб-ҳунар тилини муассасаларининг ўқувчилари учун дарслик-маъруза. – Т.: Ўзбекистон миллий тилини олиш институти, 2017.



Бу каби мазмундаги поэзия намуналарига «Али Эр Тунга» достони, Ўрхун-Энасой битиклари, «Қуркут ота китоби», «Ўғузнома», Махмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк» асари ва бошқа ёзма манбалари, адабий меросларни мисол қилиб келтириш мумкин. Масалан, «Али Эр Тунга» достони бош қахрамони Али Эр Тунга (*Афросиёб*) тўғрисидаги ижобий фикрлар туркий ёзма эсдаликларнинг деярли барчасида mavjud. У ҳақда Беруний ҳам, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Рашид-ад-дин ҳам ўз асарларида таъкидлаганлар. Оғзаки тарзда айтилган кўплаб бундай қўшиқлар халқ ёшида бугунги кунгача сақланиб келинган. Аммо, бундан уч минг йиллар аввал яратилган «Али Эр Тунга» достони тўла ҳолида бизгача етиб келмади.

Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида Афросиёб номи билан маълум бўлган Али Эр Тунганинг вафотида бағишланган йўқлов қўшиғи Махмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк» асарида берилди:

*Али Эр Тунга алдиму,*

*Эси аҳун қаздиму,*

*Узлақ очун алдиму,*

*Энди нурақ артидур...*<sup>29</sup>

Фольклоршунослар Ш. Турдимов ва Ш. Назароваларга кўра, «Девон»да келган «Али Эр Тунга» йўқлови тарихий қўшиқ бўлиб, манбаларга кўра ҳукмдор Афросиёб вафотида бағишланган.<sup>30</sup>

Шу каби қадимги даврларга оид тарихий жанр-қўшиқнинг бир намунасини «Авесто» ёзма ёдгорлигида кўраман.

«Авесто» ёдгорлиги форс (*қадим эрон*), ўзбек, қозоқ, озарбайжон халқлари сингари қорақалпоқ адабиётининг ҳам асоси саналади. Қорақалпоқларда бугунги кунгача зороастризм маданиятига оид жуда кўп анъаналар, маросимлар, удумлар сақланиб қолган. Зороастризм динининг муқаддас китоби бўлган «Авесто» асарининг ватани Қадимий Хоразм замини эканлиги фанда аниқланган.<sup>31</sup> Қадимий Хоразм пойтахтлари эса асосан Амударёнинг ўнг қирғоғида, ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган.

Туркий халқларда марҳумга ҳурмат кўрсатиш, ботиқларни йўқлаш ёки уларга қасида яратиш анъана бўлган. Бунга қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг туб асосларидан саналмиш, тошга ёзилган Ўрхун-Энасой битикларини мисол қилиш мумкин. Ушбу ёзма ёдгорликларнинг ҳар томонлама тадқиқ қилиш, бошқа тилларга таржима қилиш ва илмий матнни тайёрлаш ишларида В.В. Радлов, В.В. Томсен, Ю. Немет, Х.Н. Орқун, С.Е. Малов, И.В. Стеблева каби европа ва рус олимларининг хизматлари ниҳоятда каттадир.

Таникли ўзбек фольклоршуноси Н. Раҳмоновнинг докторлик диссертацияси Ўрхун-Энасой ёдгорликларининг туркий эпослар билан боғлиқ

<sup>29</sup> Мамбетов К. Ерте дағирнинг қарақалпоқ қабилеси. – Навои: Ўзбекистон, 1992. – Б. 99-100.

<sup>30</sup> Ўзбек халқ афсоналари. – Т.: Фан, 2020. – Б. 7.

<sup>31</sup> Маскулов Т. Авесто қадим. – Т.: Шарқ, 2001. – 425 б.

жанрлари тадқиқига бағишланган бўлса,<sup>32</sup> ушбу ёдгорликларнинг қорақалпоқ достонларига тегишли жанрлари ҳақида қорақалпоғистонлик олимлардан филология фанлари докторлари Қ. Мақсетов, К. Мамбетов ва Ж. Хошниязовларнинг эътиборга молик илмий ишлари mavjud.<sup>33</sup>

Тарихий воқеалардан маълумот берадиган маънавий меросларимиздан яна бири – «Қуркут ота китоби»дир. Китобдаги воқеалар VIII асрда Сирдарё бўйида юз берган. «VIII-XI асрлардаги Сир (*Сирдарё*) бўйлари бошқа туркий халқларнинг ақлодлари каби қорақалпоқларнинг ҳам ота-боболари мақом қилган ерлари ҳисобланади. Демак, «Қуркут ота китоби»даги жирларни қорақалпоқларнинг ҳам муштарак маънавий мероси, ота мероси сифатида ўрганишга ва тадқиқ қилишга тўла ҳаққимиз».<sup>34</sup>

Тарихий қўшиқларга оид қадимий ёдгорликлар қаторига «Ўғузнома», Махмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк», Сулаймон Бухорийнинг «Лугати чигатой ва туркий усмоний» сингари асарларни ҳам киритиш мумкин. Умуман олганда, Турон заминида дунёга келган «Али Эр Тунга» достони, «Авесто», Ўрхун-Энасой ёзувлари, «Қуркут ота китоби», «Ўғузнома», «Девону луготит турк» каби асарлар бошқа туркий халқлар сингари қорақалпоқ шеърининг, жумладан, оғзаки турнда таралган фольклорий қўшиқлар ва жирларнинг қадимги даврлардаги асоси саналади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Халқ тарихий қўшиқларининг таснифи» деб номланади.

Фольклоршуносликда фольклор жанрлари тўғрисида баҳсли мунозаралар ҳамон ҳукм суриб келмоқда. Хусусан, халқ қўшиқларини турларга ажратиш борасида ханузгача аниқ бир тўхташга келинган йўқ. Бу илмий тақомиллашиб бораётганидир.

Қорақалпоқ фольклори намуналарини илк бор Н.А. Баскаков, Н. Давқараев, Қ. Айымбетов ва бошқа олимлар жанрларга ажратиш ўрганиш бўлсаларда, аммо улар бугунги кундаги қарашларга тўла мос келавермайди. Бироқ, шундай бўлса-да, ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган халқ оғзаки ижодини тўплаш, тадқиқ қилиш, нашр қилиш ишлари бугунги кунда шу соҳада олиб борилаётган ишларнинг мустаҳкам асосидир.

Қорақалпоқ халқ қўшиқларининг таснифи борасида Н.А. Баскаков, Қ. Айымбетов, О. Қожуров, Н. Давқараев, Қ. Мақсетов, А. Тажмуратов, Н. Камалов, М. Низаматдинов, С. Бауетдиновларнинг тадқиқотларида фикр юратилган бўлса-да, тарихий қўшиқлар алоҳида таснифланмаган.

Н.А. Баскаков қорақалпоқ фольклоридagi поэзия намуналарини мазмуни ва жанрлари бўйича шартли равишда оилавий-мансий ва маросим фольклори ва тарихий-эпик жанрлар деб иккига бўлиб, тарихий қўшиқларни тарихий

<sup>32</sup> Раҳмонов Н. А. Орхун-Енисейские памятники и тюркские эпосы (Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. доктора филолог. наук). – Т., 1991. – 48 с.

<sup>33</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпоқ фольклоршунослиги. – Навои: Ўзбекистон, 1989. – Б. 334; Мамбетов К. Қарақалпоқлар шеъриси. – Навои: Ўзбекистон, 1992. – Б. 127; Хошниязов Ж. Қарақалпоқ қадимийлик дастурлари – илмий тадқиқотлар дари. – Навои: Ўзбекистон, 2017. – Б. 90.

<sup>34</sup> Мамбетов К. «Қуркут ота китоби» ҳам қарақалпоқ достонлари. – Навои: Ўзбекистон, 2010. – Б. 4.

кий-эпик жанрларга киритади. Тарихий-эпик йўналиш ҳам тарихий қўшиқлар ва афсоналар ҳамда кхрамонлик дostonлари тарзида иккинга ажратилади. Тарихий қўшиқлар ва афсоналар бўлими тарихий қўшиқлар, тўлгов ва термалардан иборат бўлса, тарихий дostonларга доторда, дўмбирада, қўбизда ва лакай асбоби журлигида нақро этиладиган тарихий эпик жырлар киритилган.<sup>35</sup>

Н. Давқараев қорақалпоқ халқ оғзаки ижодини лирик ва эпик тарзидаги лирик икки турга ажратган ва тарихий қўшиқларини лирик жанрлар ичиде жайларни қўшиқлар сафига қўшган.<sup>36</sup>

Рус бастакори В. Шафранников қорақалпоқ халқ қўшиқларининг адабий матнини янгиб, уларни нотага тушуриб, «Қорақалпоқ халқ қўшиқлари» номи билан китоб қилиб чиқарди. Унда халқ қўшиқлари қуйидагича ажратилган:

1. Лирик қўшиқ; 2. Ҳазил ва сатира қўшиқлари; 3. Ҳаёл суриш, ўйлаш қўшиқлари; 4. Тарихий қўшиқлар; 5. Ижтимоий қарама-қарши гоядаги қўшиқлар; 6. Эпик таърифлаш қўшиқлари.<sup>37</sup>

А. Тажмуратов тарихий қўшиқлар хусусиятини тeран англаб, уларнинг халқ қўшиқлари ичиде алоҳида ўрни борлигини исботлади ва икк бор тарихий жыр билан тарихий қўшиқни бўлиб қарашни таклиф қилди.<sup>38</sup>

Тадқиқот мобайнида таҳлил қилинган тарихий қўшиқлар даврий жиҳатдан қуйидагича ажратилиши маъмул қўрилади:

1) Олтин Ўрда – Нўғайли даври қўшиқлари; 2) Туркистон даври қўшиқлари; 3) Жанадарё даври қўшиқлари; 4) Оролбўйига қайтиб айланиб келиш даври қўшиқлари.

Таҳлил қилинган қўшиқларда XIII аср ва XX аср бошлари оралигида қорақалпоқлар ҳаётида юз берган тарихий воқеалар тасвирланади. Халқ бошига тушган қийин вазиятлар, воқеалар қўшиқ шаклида яратилиб, ўз навбатида бу каби қўшиқлар маълум бир даврга тўпланади ва маълум бир мавзулар доирасида бирилади. Қўшиқда эл-юрт, Ватан туйғуси устувор мавзу саналади. Қўшиқдан қайғу-ҳасрат, мунг-алам, ғазаб алоҳида намоён бўлади. Бу эса тарихий қўшиқнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

Диссертациянинг III боби «Қорақалпоқ халқ тарихий қўшиқларининг ривожланишининг устувор йўналишлари ва бадий хусусиятлари» деб номланиб, унинг биринчи фаслида «Қорақалпоқ халқ қўшиқлари халқ тарихининг бадий акси» эканлиги талқин қилинади.

Халқ ўз бошидан қанча даврларни ўтказган бўлса-да, уларнинг барчаси тўла ҳолида тарихда қолмаган. Лекин, уларнинг қандайдир қолдиқлари халқ ёдида, хусусан, миллий фольклорда ўз илларини қолдириши табиий. Бу жиҳатидан олганда, қорақалпоқ халқ поэзияси – тарих қўзи ва қўзғуси сифа-

